

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

413 **Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қурооллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2009 йил 20 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 29 августда
маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида қурооллар, ўқ-дорилар ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Душанбе, 2008 йил 28 август) қуйидаги билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) **Битимнинг 2-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадигани, Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Бош прокуратураси Битимни бажаришга масъул бўлган ваколатли органлар этиб белгиланган»;

2) **Битимнинг 3 ва 4-моддалари** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси ҳамкорликни ўз миллий қонунчилигига зид келмайдиган қисми бўйича амалга оширади».

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ-219-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 15 сентябрда эълон қилинган.